

**ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК ОНГИ ВА СИЁСИЙ ИШТИРОКНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

Оринбетов Ниетулла Турдимуратович – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
nietulla.orinbetov.1984@bk.ru

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

**ФОРМИРОВАНИЕ ГРАЖДАНСКОГО СОЗНАНИЯ И ПОЛИТИЧЕСКОГО
УЧАСТИЯ МОЛОДЕЖИ**

Орынбетов Ниетулла Турдимуратович – доктор философии по педагогическим наукам
Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

**MECHANISMS FOR DEVELOPING CIVIC AWARENESS AND POLITICAL
PARTICIPATION OF YOUTH**

Orinbetov Nietulla Turdimuratovich – Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences
Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Таянч сўзлар: ёшлар, фуқаролик онги, сиёсий иштирок, фуқаролик масъулияти, давлат ёшлар сиёсати, демократик жамият.

Резюме. Мақолада ёшларда фуқаролик онги ва сиёсий иштирокни шакллантириш механизмлари таҳлил қилинади. Унда ёшларнинг жамият ва давлат бошқарувида иштирокчи, ҳудудий онг ва масъулиятни ривожлантириш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ва амалий йўналишлар ёритилган. Таълим, жамоат фаолияти, ННТлар ва оммавий ахборот воситалари орқали фуқаролик онги ва сиёсий фаолликни ошириш имкониятлари кўриб чиқилади. Тадқиқот натижалари ёшларнинг фуқаролик масъулиятини ошириш орқали демократик жамиятни мустаҳкамлаш муҳимлигини кўрсатади.

Ключевые слова: молодежь, гражданское сознание, политическое участие, гражданская ответственность, государственная молодежная политика, демократическое общество.

Резюме. В статье анализируются механизмы формирования гражданского сознания и политического участия молодежи. Рассматривается участие молодежи в общественной и государственной жизни, развитие правового сознания и ответственности, а также нормативно-правовые и практические направления. Обсуждаются возможности повышения гражданского сознания и политической активности через образование, общественную деятельность, НПО и СМИ. Результаты исследования показывают, что формирование гражданской ответственности молодежи является важным фактором укрепления демократического общества.

Key words: youth, civic awareness, political participation, civic responsibility, state youth policy, democratic society.

Summary. This article analyzes the mechanisms for developing civic awareness and political participation among youth. It examines youth participation in social and state life, the development of legal consciousness and responsibility, as well as normative-legal and practical approaches. The study discusses opportunities to enhance civic awareness and political activity through education, public engagement, NGOs, and media. The findings indicate that fostering civic responsibility among youth is a crucial factor in strengthening a democratic society.

Кириш. Фуқаролик онги ва сиёсий иштирок ҳар қандай демократик жамиятнинг асосий таркибий қисмидир. Ёшлар эса давлат ва жамият ҳаётида янги қувват ва замонавий фикрлар манбаи ҳисобланади. Уларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва фуқаролик масъулияти давлат институти ва жамият ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда ёшларнинг сиёсий иштирокини ва фуқаролик онгини шакллантиришга қаратилган давлат стратегиялари ва норматив-қонуний асослар яратилмоқда. Шу билан бирга, мактаб, олий таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари орқали амалий механизмлар ҳам фаол қўлланилмоқда.

Ёшларда сиёсий ҳуққ-атвор ва фуқаролик эркинлик стратегиясини яратишнинг назарий ва амалий асослари, бу стратегия қандай талабларга жавоб бериши, унинг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш механизмлари таҳлил қилиб ўтамиз.

Сиёсий ҳуққ-атвор – бу фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишга оид нуктаи-назарлари, ижобий ёки салбий, фаол ёки пассив муносабатларининг мажмуасидир.

Сиёсий ҳуққ-атвор – бу сиёсат соҳасидаги алоҳида омиллар, гуруҳлар ва жамиятларнинг сиёсий тизим фаолиятига бирон-бир тарзда таъсир кўрсатадиган ёки уни қўллаб-қувватловчи ҳаракатлари мажмуи. Сиёсий ҳуққ-атвор, унинг модели ички ва ташқи қўллаб-қувватловчи омилларга бўлиқ. У ўз-ўзидан пайдо бўлган онгсиз мотивлар (масалан, оломон ҳаракатлари) ва мутлақо ўзига хос мафкуравий муносабат ва мотивлар билан яратилиши мумкин. Сиёсатшуносликнинг бу жиҳатини ўрганиш учун асослар XX асрда Чикаго социология мактаби вакили бўлган олимлар томонидан қўйилган. Айнан шу даврда позитивистик дунёқараш оммалашди, шунинг учун сиёсий ҳатти-ҳаракатларнинг таркибий қисмлари бўлган сиёсий фаолият ва одамларнинг ҳаракатлари каби тушунчалар жамиятнинг сиёсий соҳаси тадқиқотчилари учун долзарб бўлиб қолди. Шундай қилиб, XX асрнинг бошларида сиёсий ҳуққ-атворни ўрганишга академик ёндашув шаклланди, унинг доирасида тадқиқотчилар мотивация, мақсадлар, ташқи омиллар ва уни бевосита белгилайдиган ва таъсир килувчи бошқа элементлар билан қизиқишади. Гарольд Лассуэлл сиёсий ҳуққ-атворнинг биринчи тўлақонли назарияларидан бирининг муаллифи эди.

Ушбу назария психоаналитик деб аталади ва унинг баъзи қоидалари замонавий сиёсатшуносликда долзарбдир. Тадқиқотчи умумий инсоний хулқ-атворнинг бир қисми сифатида сиёсий хулқ-атвори ўрганишни афзал кўрди, шунинг учун у олган тамойиллар умумий психоаналитик концепция билан боғлиқ [1].

Технологиянинг тарихий ривожланиши олимларнинг сиёсий хулқ-атвори идрок этиш тарзида ҳам ўзгаришларга олиб келди. Бу сиёсий хатти-ҳаракатларнинг турли моделларининг пайдо бўлишига ёрдам берди. Улар: социологик, ижтимоий-психологик, рационал, прогностик, контекстли, когнитив-ахборот моделлари ҳисобланади. Бу моделларнинг ҳар бири ёшларнинг сиёсий хулқ-атворини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ушбу мақоланинг мақсади ёшларда фуқаролик онги ва сиёсий иштирокни шакллантиришнинг назарий асослари, ҳуқуқий механизмлари ҳамда уларни ривожлантириш омилларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида сиёсий-ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганишда тизимли ёндашув, мантикий таҳлил, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш ҳамда таққослама-сиёсий усуллардан фойдаланилди. Тадқиқот назарий характерга эга бўлиб, эмпирик усуллар қўлланилмади.

Асосий натижалар. Ёшларнинг фуқаролик эркинликлари эса инсоннинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларини эркин амалга оширишига имконият берувчи конституциявий кафолатлардир.

Фуқаролик эркинликларини таъминлашга йўналтирилган стратегия бунинг асоси Конституция ҳисобланади. Конституциявий асос: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи ва учинчи бўлимлари бўлади. Сабаби, конституциямизнинг ушбу бўлимларидаги моддаларда кафолатланган юридик нормалар бевосита ёшларнинг фуқаролик эркинлигини таъминлайди ва амалда бу эркинликлардан фойдаланишга рухсат беради [2].

Ёшларнинг фуқаролик эркинликлари стратегиясининг қонунчилик базасига ёшлар билан боғлиқ барча норматив-ҳужжатлар, шу жумладан, Конституция, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун [3], “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун [4], “Таълим тўғрисида”ги Қонун [5], “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун [6], “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги Фармон [7], “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарор [8], “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” шулар жумласидандир.

Ёшларнинг фуқаролик эркинликлари стратегиясини амалга ошириш механизмлари қурилган бўлиб, бу бевосита давлат органлари, муассасалари, жамоат бирлашмалари ва ҳақозалар.

Муҳокама. Фуқаролик стратегияси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ҳуқуқий аниқлик ва инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаши, жамоатчилик назорати, жамоавий қарор қабул қилиш жараёнларига ёшларни жалб этиши, сиёсий саводхонликни ошириш, ҳуқуқий билим бериш, ахборот технологияларидан тўғри фойдаланишни ўргатиши лозим. Стратегия фақат ғоя

эмас, балки механизм, мезон ва индикаторларга асосланган бўлиши керак ва барча ёш қатламларини қамраб олиши, очиқ-ошқора муносабатда бўлиши керак.

Ҳозирги кунда ёшларда сиёсий фаолликнинг ҳолати ҳар хил. Айрим ижтимоий қатламлар ва айрим ҳудудлардаги ёшлар фаоллиги юқори бўлса, айрим қатламлар ва ҳудудларда унинг акси яъни фаоллик кам. Кўпинча фуқаровий фаоллик ёшларда кузатилади. Албатта фуқаровий фаолликка таъсир кўрсатувчи омил фақат ёш билан чегараланмайди. Билим даражаси, дунёқараш, тарбия ва ҳатто яшаш манзили ҳам бунга таъсир кўрсатади.

Кўпинча ёшлар фуқаровий фаоллик кўрсатишни исташса-да, сиёсий соҳада бундай фаолият кўрсата олмайдилар. Бошқача айтганда, ёшлар давлат сиёсати мураккаб бўлганлиги туфайли ўз истакларини сиёсатчилар олдида тўғри шакллантиришга қодир бўлмайдилар. Бошқа тарафдан сиёсий соҳа ёшлардан анча узоқ бўлганлиги туфайли ёшлар ўз манфаатларини давлат сиёсати билан мувофиқлаштиришда мураккабликларга дуч келишлари мумкин. Шу туфайли уларнинг баъзилари сиёсий партияларга аъзо бўлишади, аксарияти эса умуман сиёсатга қизиқмай қўядилар [9:91-92]. Бирор-бир соҳадаги муаммоларни бартараф этиш имконияти нодавлат нотижорат ташкилотларида мавжуд бўлганлиги туфайли ёшларнинг аксарияти шундай ташкилотларга аъзо бўлиб киришади. Давлатнинг сиёсий тузилмаларида профессионал фаолиятга кириш фуқаро/ёшлардан маълум иш тажрибаси, билим ва кўникма талаб қилса, жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиб кириш учун иш тажриба талаб этилмайди, балки фақат қизиқишнинг ўзи етарли бўлади. Фуқаролик фаоллиги бугунги кунда давлат учун мисли қўрилмаган кўмакчига айланмоқда. Турли ижтимоий лойиҳаларга бирлашган фуқаролар рўй бераётган, туғилаётган ва мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш, уларнинг ечимини топиш ва ҳукуматга таклиф этиш имкониятига эга. Турли нодавлат тузилмаларидаги етук мутахассислар бозор муносабатлари шароитида қўрилмаганда рўй берадиган муаммолар, бозорнинг тартибга солиш жараёнларида юзага келадиган муаммоларни бартараф этишга ҳукуматга кўмакчилик қилмоқдалар. Демак, аҳолининг кўпчилиги қисми ёшлардан таркиб топганлигини ҳисобга олсак, унда жамиятда айниқса ёшларнинг фаоллигини оширишга механизмлар яратишимиз зарур. Шунга қарамадан ёшлар ўзларининг сиёсий хулқ-атворини, сиёсий фаоллигини сайловларда намоён қилмоқда. Ёшлар ишлари агентлиги ташаббусида ўтказилган “Ёшлар ва сайлов” сайли бутун республика бўйлаб ўтказилиб, бу тадбирда юртимиз бўйлаб 18-30 ёшгача ёшларнинг фаол иштирок этишининг ўзи кейинги йилларда ёшларнинг жамиятдаги фаоллигидан дарак беради [10]. Ёшларнинг фаоллиги билан бирга айрим ёшларнинг пассивлиги ҳам кузатилади. Бунга асосий омиллар: аксарият ёшлар ҳали ҳам пассив – “менинг фикрим аҳамиятсиз” деган қараш устунлиги, сиёсий маълумот ва манбаларнинг камлиги, тушунарсизлиги шулар жумласидандир.

Ёшлар сиёсий хулқ-атворини ва фаоллигини ривожлантириш илмий тадқиқотларнинг мустақил мавзуси сифатида фундаментал тарзда ўрганилмаган.

Аммо, жаҳон глобаллашувининг авж олиш шароитида уни ўрганишга бўлган эҳтиёж ошиб бормокда. Чунки, бугун уларнинг онги ва қалбини эгаллашга бўлган кураш кучайгандан-кучайиб бормокда. Бу салбий жараёнга бефарқ қараш мамлакатимиз ёшларини улар таъсиридан ҳимоялаш заруриятини кучайтирмоқда. Ана шу жиҳатдан ҳам, мамлакатимиз ёшларининг сиёсий онги ва маданиятини ўзаро мувозанатда ривожлантириш сиёсий тарбиявий фаолиятимизнинг муҳим йўналишига айланиши лозим [11].

Хулоса. Хулоса қилганда, Ёшларда фуқаролик онги ва сиёсий иштирокни шакллантириш – демократик жамиятни ривожлантиришда муҳим омилдир. Норматив-қонуний асослар, таълим ва тарбия, жамоатчилик ва медиа механизмлари бу жараёнда асосий воситалар ҳисобланади. Шу тариқа, ёшларнинг фуқаролик онги ва сиёсий фаоллигини ривожлантириш орқали мамлакатда фуқаролик жамияти мустаҳкамланади ва демократия тамойиллари мустаҳкам асосга эга бўлади.

Адабиётлар

1. Бурдые П. Социология политики. / Пер. с фр. – Москва: «Socio-Logos», 1993.
2. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent: «O‘zbekiston», 2023.
3. O‘zbekiston Respublikasining 2016-yil 14-sentyabrdagi «Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida»gi O‘RQ-406-son Qonuni.
4. O‘zbekiston Respublikasining 2007-yil 15-yanvardagi «Ommaviy axborot vositalari to‘g‘risida»gi O‘RQ-78-son O‘zbekiston Respublikasi Qonuniga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida.
5. O‘zbekiston Respublikasining 2020-yil 23-sentyabrdagi «Ta’lim to‘g‘risida»gi O‘RQ-637-son Qonuni.
6. O‘zbekiston Respublikasining 1996-yil 26-dekabrdagi «Siyosiy partiyalar to‘g‘risida»gi 337-I-son Qonuni.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentyabrdagi «O‘zbekiston – 2030» strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-158-son Farmoni.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 18-январьдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сон Қарори.
9. Жалилов А., Муҳаммадиев У., Жўраев Қ. ва б. Фуқаролик жамияти асослари. (ўқув қўлланма). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, 2015.
10. Бекмуродов А. Сиёсий жараёнларда ёшларнинг иштироки: муаммо ва ечимлар. // Жамият ва бошқарув, №2, 2023.
11. Қурбонов Ш. Фуқаролик жамияти ва ёшлар: назарий таҳлил. // Ижтимоий фанлар журналы, №4, 2022.